МАҲАЛЛАБАЙ ТИЗИМ ОРҚАЛИ АЁЛЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА КЎМАКЛАШИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Хайитов Абдиманнон Бухарович[1]
Хувайдуллаева Ирода Хусниддин қизи[2]

[1]Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Инсон ресурслари боқариш кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди
Ўзбекистон, 100066, Тошкент шаҳар, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй
[2]Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Инсон ресурслари кафедраси ассистенти
Ўзбекистон, 100066, Тошкент шаҳар, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй

Аннотация. Мақолада аҳоли бандлигини таъминлашни маҳаллабай тизим орқали ташкил этишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, аёллар муаммоларини тизимли ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим масалаларни биргаликда ҳал этишнинг янгича механизми ўзига хос хусусиятлари, туманда ишсиз аёлларни маҳаллабай тизим орқали тадбиркорликка йўналтириш ҳолати ишсиз аёлларни бандлигини Adminтаъминлашни маҳаллабай тизим орқали ташкил этишни такомиллаштириш масалалари ҳамда ишсиз аёлларни бандлигига кўмаклашининг фаол йўналишлари асослаб берилган.

Калит сўзлар. аёллар дафтари, ёшлар дафтари, темир дафтар, ишсизлик, аҳоли бандлиги, демография, субсидия, меҳнат стажи, тадбиркорлик, касбга ўқитиш, қайта ўқитиш, малака ошириш

Abstract. In the article, the socio-economic importance of organizing the employment of the population through the neighborhood system, the systematic solution of women's problems, the specific features of their social support, and the unique features of the new mechanism for jointly solving important issues of raising the living standards of the population, the unique features of the district's employment of unemployed women through the neighborhood system the issues of improving the organization of employment of unemployed women through the neighborhood system and the active directions of helping unemployed women with employment are justified.

Keywords. women's notebook, youth notebook, iron notebook, unemployment, population employment, demography, subsidy, length of service, entrepreneurship, vocational training, retraining, professional development

Кириш

Аёллар муаммоларини тизимли ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида бугун давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари оддий одамлар билан доимий мулоқот ўрнатиб, уларни қийнаётган масала ва муаммоларни зудлик билан бартараф этиш, бу орқали одамларнинг бугунги ҳаётидан рози бўлиб яшашини таъминлаш йўналишида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, халқимиз, шу жумладан хотин-қизлар турмуш даражаси ва сифатини ошириш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

2022 йил 28 январда қабул қилинган Янги тараққиёт стратегиясида "...мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш. Камбағалликни қисқартириш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Норасмий ишлаётган 2,5 миллион нафар фуқаронинг бандлигини легаллаштиришга ёрдам бериш орқали уларда ижтимоий кафолат ва имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш. Аёллар орасидаги ишсизлик даражасини 2 баравар камайтириш, 700 мингдан зиёд ишсиз хотин-қизларни давлат ҳисобидан касб-ҳунарга ўқитиш.

Иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш ва ўзини ўзи банд қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш". [1]

Дарҳақиқат, статистик маълумотларга кўра, бугунги кунгача мамлакат миқёсида 30 ёшдан юқори бўлган жами 6,5 миллионга яқин хотин-қизлар билан мулоқотлар ўтказилди. Республика ва ҳудудий штаблар томонидан мулоқотлар натижалари чуқур таҳлил қилиниб,маълумотлар шакллантирилди. Жумладан, уларнинг: 8,5 фоизи ишсиз аёллар, 4,3 фоизи тадбиркорликни йўлга қўйиш учун кредит сўраган аёллар, 2,6 фоизи ногиронлиги бор аёллар, 2,5 фоизи касб-ҳунарга ўқиш хоҳишини билдирганлар, 2,4 фоизи боқувчиси йўқ ва ёлғиз оналар, 2,2 фоизи уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож аёллар, ётоқхоналарда, нотурар жойларда яшаб келаётган аёллар эканлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 январдаги тегишли қарори билан "Аёллар дафтари"ни юритиш бўйича вақтинчалик тартиб тасдиқлангани алоҳида қайд этилиб, мазкур масала билан шуғулланувчи мутасаддиларга вақтинчалик тартиб асосида олиб борилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида батафсил тушунтиришлар берилди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Бозор муносабатларида аҳоли иш бандлигини шакллантиришнинг бошқа тамойиллари ҳам амал қилади. Бунда давлат мавжуд меҳнат ресурсларидан ижтимоий ишлаб чиқаришда фойдаланиш борасидаги монополияга ҳар қандай даъвогарликлардан воз кечади. Шу асосда бошқа тамойил – эркин танлаб олинган бандлик тамойили, қонуний даромадлар манбаига эга бўлган меҳнатга лаёқатли аҳолининг ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслик ҳуқуқи юзага келади.Бозор иқтисодиёти шароитида ўзининг меҳнат қилиш қобилияти (ишчи кучи) ни тасарруф этиш ҳуқуқи фақат унинг эгасига, яъни ходимнинг ўзига тегишли бўлиб, уни ҳеч ким меҳнат қилишга мажбур қилишга ҳақли эмас (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

Бироқ, буларнинг барчаси давлат меҳнатга лаёқатли аҳолидан фойдаланиш ва меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талабни тартибга солиш жараёнларига аралаша олмаслигини ёки аралашиши керак эмаслигини англатмайди. Ишчи кучи таклифи ва унга бўлган талабни мувофиқлаштириш мураккаб демографик вазиятда Ўзбекистон учун бошқа мамлакатларга қараганда муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан ушбу муаммога республикамизда бошқа давлатларга нисбатан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон шундай мамлакатлар жумласига кирадики, ҳукумат иш билан бандликни таъминлаш юзасидан янги ва қўшимча иш ўринларини ташкил этиш, мавжуд иш ўринларини модернизациялаш, айниқса қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш масалаларини доимо диққат марказида ушлаб турибди.

Ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим мезони иш билан

бандликка бўлган муносабатдир. Иш билан бандлик муаммоси ижтимоий муаммо. Шундай экан энг юқори даражадаги аҳолининг демографик жиҳатлари ва ундан самарали фойдаланиш ҳамда жамият ривожи учун йўналтилганлиги иш билан бандлик комплекс ижтимоий сиёсатнинг ажралмас қисми, эканлигидан далолат беради. Аҳолининг иш билан бандлиги муаммоларининг ижтимоийлиги унинг, энг аввало, инсон, унинг манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги эҳтиёжларига қаратилганлиги билан белгиланади. Қанчалик даражада инсоннинг ижтимоийлашув даражаси юқори бўлса, шунчалик даражада инсон капиталининг сифат даражаси ўзгариб боради.

Академик Қ.Абдураҳмонов томонидан "...иш билан бандликнинг энг кам деганда *тўрт ижтимоий жиҳатини* ҳисобга олиш лозимлигини, иш билан бандликнинг инсоннинг Конституцияда белгилаб берилган энг муҳим ҳуқуқи – меҳнат ҳуқуқи билан мустаҳкам боғлиқлиги, турмуш даражаси ва муносиб ҳаёт кечириш шарт-шароитларини шакллантиришда иш билан бандлик ҳал қилувчи роль ўйнайди. Айнан иш билан бандлик меҳнат фаоллигини ошириш, меҳнатга қобилиятли фуқаролар ва улар оилаларининг турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим кафолати, ҳар кимнинг ва умуман, жамият фаровонлигининг негизи бўлган юқори унумли меҳнатнинг янги омилини шакллантириш, айнан меҳнат фаолияти инсонни ўзгартиради, унинг касбий имкониятларини очиб беради ва кўпайтиради, шахснинг ривожланишини рағбатлантиради" [2] -деб таъкидланади.

Дарҳақиқат, ушбу йўналишлар миллий иқтисодиётдаги молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларини қайта гуруҳларга ажратиш, фан-техника тараққиётининг устувор йўналишлари, шунингдек, ишлаб

чиқарувчи кучларни жойлаштириш,турмуш сифати даражасини ошириш йўлларини белгилаб беради. Бу ғоят муҳим муаммолардан бири эканлиги, COVID-19 Глобал Пандемия шароитида иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилиш, бинобарин, жамият фаровонлигининг негизи бўлган юқори унумли меҳнатнинг янги омилини шакллантириш айнан бутун иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг муваффақияти, мазкур муаммони эътироф қилиш ва ҳал этишга маълум даражада боғлиқлигини гувоҳи бўлдик. Шундай экан жамият тараққиётининг асоси аҳоли таркибидан ҳудудлар миқиёсида аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш ҳозирги кунинг долзарб муаммоларидан биридир.

Оиладаги турмуш тарзи, жамият ривожланишининг узоқ тарихий йўли, оиланинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ижтимоий институт сифатида оилаларнинг мустаҳкамлигига йўналтирилган ҳаракатларнинг борлиги бу ҳақиқат. Мулоҳазада оиланинг мустаҳкамлига таянч бўладиган асосни кўрсата олмаганлар. Бизда ҳам оила билан боғлиқ барча институтлар мавжуд фаолият олиб бораётганди. Олиб борилаётган барча чора-тадбирларнинг самараси кейинги йилларда ўз ечимини топмаган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 12 февралдаги селектр йиғилишида “....хусусан, маҳаллаларда 18 мингдан ортиқ ходим фаолият кўрсатиб келаётган бўлсада, уларнинг иши самарали ташкил этилмаган. Оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тизим йўлга қўйилмаган. Оқибатда айрим маҳаллаларда нотинч оилалар, ҳуқуқбузарликлар кўпайган. Шунингдек, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар орасида ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари учраётгани жуда ачинарли” [3] -эканлигини этиб ўтди. Дарҳақиқат оилани бевосита ижтимоийлашувида туртки бўладиган Маҳалла билан чамбарчслиги боғлайдиган Маҳалла ва оила масалалари вазирлиги ташкил этиш таклифини билдирди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5938-сон Фармонига мувофиқ 2020 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаи Президентининг Қарори қабул қилинди.

Аҳолини иш билан бандлигини оширишнинг демографик жиҳатлари мазкур Қарорда “...фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, аҳолини

иш билан таъминлаш борасидаги имкониятларини кенгайтириш мақсадида фуқаролар йиғинларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ижтимоий дастурлар, шу жумладан, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури асосида имтиёзли кредитлар ажратиш тўғрисидаги таклифи”ини [4] киритилганлиг иқтисодий ўсиш тенденциялари ва истиқболларини, мамлакат ва унинг ҳудудларининг инвестицион жозибадорлигини оширишга бевосита ўз таъсирини кўрсатишга хизмат қиладиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятига бериладиган баҳолашнинг муҳим кўрсаткичлари иш билан бандлик кўрсаткич эканлиги, иқтисодиётни сифатли инсон ресурслари билан таъминлаш хусусан оилаларда шаклланиши ва йўналтирилишини эътиборга олсак, бу кўп жиҳатдан ҳозирги демографик вазиятнинг барқарорлашувига олиб келади.

Аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизлик – иккита қарама-қарши, бир-бирини истисно этувчи тушунча бўлиб, аҳолининг бандлик даражаси қанчалик юқори бўлса, ишсизлик шунча кам бўлади ва аксинча. Аҳолининг иш билан тўлиқ бандлиги ишсизликнинг умуман мавжуд бўлмаслигини назарда тутмайди, чунки ишсизликка тўлиқ барҳам беришнинг деярли иложи йўқ. “Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” номли илмий иш ва бир қатор бошқа ишланмалар муаллифи инглиз олими Ж.Кейнснинг (1883-1946 йй.) фикрига кўра, аҳолининг иш билан тўлиқ бандлиги тахминан 3 фоиз даражасидаги ишсизликни назарда тутади. Шундай ҳолатда ишсизлик иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси ва суръатларига салбий таъсир кўрсатмайди. Дарҳақиқат, бугунги кунда бошқача қарашлар ҳам мавжуд бўлиб,фикримизча 5-6 фоиз даражасидаги ишсизлик иқтисодиётдаги оптимал бандликка мос келади, деб ҳисоблаймиз. Боз устига, жамиятда ишсизлик маълум “табиий” даражасининг мавжудлиги нафақат нормал, балки йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳолат сифатида қабул қилинади.

Фикримизча, Ўзбекистонда ишсизликнинг пайдо бўлиши ва ўсиш тарихи айнан Кейнс қарашларининг тўғрилигини исботлайди. Маълумки, ишга жойлаштириш миқдори қанчалик юқори бўлса, ишсизлик даражаси шунчалик паст бўлади.

Иш билан бандлик тушунчасига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, жумладан россиялик иқтисодчи олим А.И.Рофе ушбу тушунчага ўз муносабатини билдириб, “Иш билан бандлик - бу мамлакат аҳолисининг иқтисодий фаол қисмидаги кишилар учун ишларнинг мавжудлиги, яъни амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган, даромадли машғулот билан банд бўлишидир” [5] - деб таъриф берган.

Шунингдек, етук иқтисодчи олимлардан И.М.Алиев, Н.А.Горелов, Л.О.Ильиналар ушбу тушунчага: “ Иш билан бандлик ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ ҳамда меҳнатдан даромад (иш

ҳақи) келтирувчи ижтимоий фойдали меҳнат сифатида намоён бўлиши мумкин” [6]- деб таъриф берганлар. Мазкур таърифлардан фарқли ўлароқ, бизнинг фикримизча иш билан бандлик муносабатлари, меҳнатга лаёқатли кишиларнинг қанчаси ва қай даражада ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашишини кўрсатадиган ижтимоий- иқтисодий кўрсаткичдир.

Аҳолининг иш билан бандлиги меҳнат унумдорлигининг ошишига ва ўз навбатида, миллий бойликнинг ҳам ўсишига хизмат қилади, айни пайтда ишсизликнинг салбий оқибатлари шундаки, у нафақат ишлаб чиқаришнинг пасайишига, балки пировардида қашшоқликнинг бошланишига ҳам олиб келиши мумкин.

Америкалик иқтисодчи олим Артур Оукен томонидан, ишсизликнинг табиий даражадан ортиши билан ялпи миллий маҳсулот ҳажмининг ортда қолиши ўртасидаги нисбат яъни ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан 1 фоизга юқори бўлса, ялпи миллий маҳсулот ҳажми 2,5 фоиз камаяди ёки 2,5 фоиз ялпи миллий маҳсулот йўқолиши эътироф этилган. Демак, мос равишда уларнинг нисбати 1:2,5 га тенг. Ушбу нисбат иқтисодий назарияда Оукен қонуни деб ном олди. Шу нисбатга асосланиб, йўқотилган ялпи миллий маҳсулотнинг мутлақ қийматини аниқлаш мумкин.

Шундай қилиб, ишсизликнинг табиий даражаси — бу «нормал» даврдаги меъёрий инфляция ва барқарор ўсиш суръатлари билан ифодаланган бўлиб, унинг таърифи —анчагина мураккаб жараённи ўз ичига олади ҳамда мазкур кўрсаткични ҳисоблаб чиқиш учун «нормал ишловчи иқтисодиёт» моделини яратиш керак бўлади.

Ишсизлик тушунчасига аниқлик киритишда ҳам турли қарашлар мавжуд. Россиялик иқтисодчи олимлар М.Н.Дудин “Ишсизлик – бу ижтимоий-иқтисодий ҳодисаки, унда фаол, меҳнатга лаёқатли аҳолининг бир қисми ўзи бажариши мумкин бўлган ишни топа олмаслик ҳолатидир”, [7] -деб таърифласалар, бошқа бир иқтисодчи олимлардан И.М.Алиев, Н.А.Горелов, эса “Ишсизлик – иқтисодиётдаги шундай бир ҳодисаки, унда иқтисодий фаол аҳолининг бир қисмини ишсизлар ташкил этади” - деб изоҳлайдилар.

Бизнинг фикримизча, ишсизлик — бу ишлашни истайдиган меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан банд бўлмаган миқдоридир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, глобаллашув шароитида, гап табиий ишсизлик тўғрисида эмас, балки унинг ижтимоий мақбул даражаси, яъни кадрлар қўнимсизлиги ва иш излаш давомийлигини, шунингдек ишчи кучининг демографик даражасини (ишсизликнинг бўш иш жойлари миқдорига нисбати) ва ижтимоий тангликни ҳам ҳисобга оладиган даражаси тўғрисида бориши лозим.

Демографик вазиятнинг барқарорлашуви иш билан бандликнинг ушбу хусусиятларини таҳлил қилишнинг долзарблиги аҳолининг ёш таркибидаги ўзгаришларнинг доимий динамикаси билан белгиланади

Демографик жиҳатлар, ҳаракатланишнинг замонавий муаммолари, шунингдек, аҳоли сиёсатининг таҳлили, хусусан, ҳудудлардаги демографик вазият, шунингдек, инсон капиталининг ривожланишини ўрганишда таҳлил қилинади ҳудудларида аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати демографик муаммолар ва турмуш даражаси таҳлил қилинади). Шу билан бирга, иш билан банд аҳолининг демографик хусусиятларини таҳлил қилишга етарли даражада эътибор берилмаяпти (бандларнинг ёш таркибини ўзгартиришнинг минтақавий жиҳатлари билан бирга) муаммоларни юзага келтираётганглиги ҳеч кимга сир эмас.

Маълум даражада, умумий макроиқтисодий тенденциялар аҳолининг иш билан бандлиги даражаси динамикасида ва иш билан бандларнинг ёш таркиби бўйича чуқур ҳудудлар ўртасида фарқларнинг мавжудлиги, қолаверса, замонавий шароитда иш билан бандларнинг ўртача ёши ошаётганлиги, яъни иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида пенционерлар меҳнат фаолияти учун шарт-шароитлар яъни иш ҳақини 100% миқдорда берилиши, айниқса соғлиқни сақлаш, таълим, фан ва маданиятга сезиларли даражада ошди.

Бу демографик ривожланишнинг табиий натижаси, аҳоли таркибида ёшларнинг салмоғининг кўплиги ва кейинги пайтларда айрим соҳаларда пенционерлар меҳнат фаолияти яъни ёшариш тенденцияларининг бевосита устунлиги, шу билан бирга қариш тенденциясининг намоён бўлиши, албатта, меҳнат бозорида талаб ва таклифнинг шаклланиши ва номутаносиблигига таъсир қилади, уларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан мамалакатимиздаги 14та ҳудуд меҳнат бозорларининг ҳолатига боғлиқдир.

Тадқиқот методологияси

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотномалари ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Тадқиқотда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, макроиқтисодий таҳлил, гуруҳлаш, эксперимент, декомпозиция, адаптив усуллар, инновацион ва интеграцион ёндашувлар, ёшлар ишсизлигини камайтириш бўйича халқаро тажрибалар таҳлили ва апробациясидан фойдаланилди

Таҳлил ва натижалар

Иш билан бандлик соҳасидаги муаммоларнинг умумийлигига қарамай, минтақавий меҳнат бозорида рўй бераётган жараёнларда ўрганилиши керак бўлган сезиларли минтақавий ўзига хослик мавжуд.

Бу демографик омиллар меҳнат бозорида номутаносибликларнинг пайдо бўлишига таъсир этувчи муҳим сабабларга, иш билан бандликнинг минтақавий хусусиятларига боғлиқ бўлиши мумкин.

Меҳнат бозорининг ҳудудий сегменти ҳар бир ҳудудлардаги ишга ёлланувчиларнинг ўзига хос таркибини ҳисобга олади. Улар аҳолининг ижтимоий-демографик таркиби, ишга ёлланувчиларнинг касбий малакавий таркиби билан белгиланади.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш,уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш. Жамиятда хотин-қизларга тазйиқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш. Хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш”дир. [8]

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида инсон – жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи,амалга оширилаётган ислоҳатларда ҳаммаси инсон учун, ҳаётий манфаатлари, фаровонлигига асосий диққат-эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради. Шунинг учун иш билан бандлик масаласига нафақат ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиши ёки пасайиши, миллий бойликнинг ошиши ёки камайиши нуқтаи назаридан, балки биринчи галда, ҳар қандай бойликнинг яратувчиси ҳисобланган инсоннинг ўзи нуқтаи назаридан қараш лозим. Инсонлар аксарият ҳолатда ижтимоий фаол иқтисодий субъектлардир. Улар учун ишнинг йўқотилиши нафақат даромадларнинг қисқаришини, балки ўзини жамият учун зарур деб ҳис қила олмасликни, ижтимоий йўналишнинг йўқотилишини, иш орқали ўзини намоён этиш имкониятидан маҳрум бўлишни англатади. Ишини йўқотган, лекин ишлашни, маблағлар ишлаб топишни ва ушбу маблағлар ҳисобидан ўз оиласини боқишни, фарзандларини ўқитишни хоҳлайдиган инсон ишсизлик оқибатида пировардида касбий ва интеллектуал нуқтаи назардан таназзулга учраши эътибордан холи эмас.

Кейинги беш йилда мамлакатимизда аҳоли, шу жумладан, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир, ишсиз ва касб-ҳунарга эга бўлмаган, ҳуқуқий ва маънавий-психологик қўллаб-қувватлашга зарурати бўлган фуқароларга давлат томонидан манзилли кўмаклашиш бўйича мутлақо янгича тизим жорий қилинди.

Хусусан, коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирини юмшатиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва

кўмакка муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу йўналишда манзилли, ҳар бир шахс билан индивидуал ва тизимли равишда мунтазам иш олиб боришни ташкил қилиш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар бўйича мутлақо янги — «Темир дафтар», ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб-ҳунар ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган хотин-қизлар ва ёшлар бўйича тегишлича «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» тизимлари ҳаётга татбиқ этилди.

2021 йил 26 февралда хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда давлат органларининг масъулиятини ошириш масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгайтирилган видеоселектор йиғилишида аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг ҳаёт ва турмуш шароитидаги муаммоларини аниқлаш, якка тартибда ишлаш орқали уларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш, шунингдек, аниқланган муаммоларни комплекс ҳал қилиш, мутасаддиларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятини баҳолаш тартибини белгилаш юзасидан берилган топшириқлар ижросини сўзсиз таъминлаш мақсадида «Маҳаллабай» ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 19 мартдаги 152-сон қарори билан «маҳаллабай» ишлаш тизими жорий этилди.

«Маҳаллабай» ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга оширлган ишларни назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, секторлар раҳбарлари ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оилалар муаммолари бўйича «Темир дафтар»га, ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир, ишсиз ва касб-ҳунарга эга бўлмаган, ҳуқуқий ва маънавий-психологик қўллаб-қувватлашга зарурати бўлган хотин-қизлар ва ёшлар бўйича тегишлича «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларни камбағалликдан чиқариш ва уларнинг фаровонлигини ошириш учун шахсан масъул этиб белгиланди

Аёллар муаммоларини тизимли ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида бугун давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари оддий одамлар билан доимий мулоқот ўрнатиб, уларни қийнаётган масала ва муаммоларни зудлик билан бартараф этиш, бу орқали одамларнинг бугунги ҳаётидан рози бўлиб яшашини таъминлаш йўналишида

тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, халқимиз, шу жумладан хотин-қизлар турмуш даражаси ва сифатини ошириш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Аёллар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси, хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси мутасаддилари,Тошкент шаҳар иқтисодиёт, маҳалла, бандлик, соғлиқни сақлаш, олий ва ўрта махсус, халқ таълими, маданият, савдо-саноат палатаси, Халқ банки бошқармалари бошлиқлари, сектор раҳбарлари, пойтахт туманлари ҳокимлари ва ўринбосарлари, вилоят ҳокимларининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчилари, ҳудудларга бириктирилган касаба уюшмалари ва Маҳалла вазирлигининг масъул ходимлари, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, ҳудудий бошқармалар бошлиқлари, туман (шаҳар) ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, секторлар раҳбарлари ва ҳокимларнинг хотин-қизлар бўйича маслаҳатчилари, касаба уюшмалари вилоят кенгашлари раислари ва масъул ходимлари, жами 1,5 минг нафарга раҳбарлар масъуллар этиб белгиланди. хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир, ишсиз ва касб-ҳунарга эга бўлмаган, ҳуқуқий ва маънавий-психологик қўллаб-қувватлашга зарурати бўлган фуқароларга давлат томонидан манзилли кўмаклашиш бўйича мутлақо янгича тизим жорий қилинди.

2022 йил 1 январь ҳолатига кўра мамлакат миқёсида 30 ёшдан юқори бўлган жами 6,5 миллионга яқин хотин-қизлар истиқомат қилиши эълон қилинди. Айни даврда Республика ва ҳудудий штаблар томонидан ўрганишлар натижалари чуқур таҳлил қилиниб, дастлабки маълумотлар шакллантирилди. Жумладан, уларни, 8,5 фоизи ишсиз аёллар, 4,3 фоизи тадбиркорликни йўлга қўйиш учун кредит сўраган аёллар, 2,6 фоизи ногиронлиги бор аёллар, 2,5 фоизи касб-ҳунарга ўқиш хоҳишини билдирганлар, 2,4 фоизи боқувчиси йўқ ва ёлғиз оналар, 2,2 фоизи уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож аёллар, яъни, бугунги кунда ижарада, ётоқхоналарда, нотурар жойларда яшаб келаётган аёллар эканлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8-январдаги тегишли қарори билан “Аёллар дафтари”ни юритиш бўйича вақтинчалик тартибга асосан «Аёллар дафтари»га 30 ёшдан ошган қўйидаги тоифадаги хотин-қизлар киритилди, жумладан:

- ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ишсиз аёллар;
- боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд аёллар;
- ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган аёллар;
- уй-жойини таъмирлашга муҳтож I гуруҳ ногиронлиги бўлган аёллар;

- нотурар жойларда истиқомат қилаётган, ўзининг ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар-жой мавжуд бўлмаган аёл;
- қарамоғида бир ва ундан ортиқ I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандлари мавжуд ёлғиз аёллар;
- тиббий ҳимояга муҳтож эҳтиёжманд аёллар;
- ҳуқуқий ёрдам олишга муҳтож аёллар психологик маслаҳатга муҳтож аёллар ва бошқалар.

2021 йил 20 январдан кучга кирган “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонун бу борадаги муҳим ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлди. Қонунда аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантириш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш, ишсиз шахсларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, ишсизликни камайтириш чораларини кўриш каби бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Коронавирус пандемиясининг мамлакат меҳнат бозорига салбий таъсирининг олдини олиш борасида изчил ишлар амалга оширилди. Глобал инқирознинг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, кам таъминланган оилалар ва тадбиркорлик субъектларини манзилли қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари юзасидан кечиктириб бўлмайдиган ва ўта муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда белгиланган вазифаларнинг ижроси ўз вақтида таъминланиши натижасида жойларда Республикамизнинг 14 ҳудудида жумладан Тошкентда “Ишга марҳамат” мономарказлари фаолият бошлади, маҳаллаларда касб-ҳунарга ўқитиш масканлари ташкил этилди. “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” бўйича маҳаллабай ва фуқаробай ишлаш тизими йўлга қўйилди. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан 2020-2023 йилларда юртимизда иқтисодий ўсишни тиклаш ва тизимли таркибий ўзгаришларни давом эттириш бўйича амалий ҳаракатлар режаси ҳамда “йўл харитаси” тасдиқланди.

“2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги [9] қарори бу борадаги тизимли ишларнинг давоми бўлди. Қарорнинг асосий мақсади аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ишсизлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича янги таъсирчан механизмларни жорий этиш, эҳтиёжманд аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилишда қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада рағбатлантиришга қаратилган.

2022 йил 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатда бугунги кунда 19,1 миллион меҳнат ресурси бўлиб, шундан иқтисодий фаол аҳоли 14,7 миллион нафарни, иш билан банд аҳоли 13,2 миллион кишини ташкил

қилди. Банд аҳолининг 5,7 миллион нафари расмий, 5,6 миллиони норасмий секторда фаолият олиб борган. Республикамиздан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганлар сони 1,8 миллион, ишга жойлашишга муҳтожлар сони 1,5 миллиондан зиёддир. Ишсизлик даражаси эса 10,5 % ташкил этди.

Эндиликда вақтинча, мавсумий ва бир марталик ишларда (вақтинча ишларда) банд бўлган фуқароларнинг меҳнат фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича янги тизим яратилади. Унда вақтинча ишларда банд бўлган фуқароларга кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, иш берувчи жисмоний ва юридик шахсларга вақтинча ишларда банд бўлган фуқароларни ёллаш бўйича хизматлар кўрсатиш, меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этиш масалаларида маслаҳат ва услубий ёрдам бериш, вақтинча ишларда банд бўлган фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнатини муҳофаза қилиш, уларга меҳнат қуроллари, шахсий ҳимоя воситалари ва махсус кийимлар билан таъминлаш хизматларини кўрсатиш каби масалалар назарда тутилган.

Шунингдек, “барча учун иш” тамойили асосида вақтинча ишларни ташкил этишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, иш берувчилар ва ишловчиларга масофадан туриб хизматлар кўрсатиш тизимини жорий этишга эътибор қаратилади. Вақтинча ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш жараёнларига давлат-хусусий шериклиги шартлари асосида тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш, бунда иш изловчиларни ётоқхона ва транспорт билан таъминлаш, тезкор буюртмалар олиш ва бошқа қўшимча хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ҳузурида фаолият юритаётган, жумладан Юнусобод туманида вақтинча бир марталик иш билан таъминлаш бюролари кунлик меҳнат марказлари сифатида қайта ташкил этилди. Марказларни ташкил этиш, сақлаш ва моддий-техник таъминлаш харажатлари Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан, уларда видеокузатув ва огоҳлантирувчи алоқа тизимларини ўрнатиш Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга айнан ишсиз аёлларни иш билан бандлигига кўмаклашиш мақсадида 2021 йил 1 июлга қадар янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича ҳисоботларни юритиш, реал вақт режимида Давлат солиқ қўмитасининг ягона

интеграциялашган ахборот-ресурс базаси билан мониторинг қилишга мўлжалланган электрон дастур ишлаб чиқилди.

Муҳим жиҳатлардан яна бири шуки, уч ой муддатда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини, ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қарори билан белгиланган иш ўринларининг энг кам сони ва иш берувчилар томонидан иш ўринлари захирага қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотлар “Ягона миллий меҳнат тизими” идораларо дастурий-аппарат комплексида акс эттирилиши таъминланди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бу йилги дастур бошқа дастурлардан тубдан фарқ қилган ҳолда, мутасаддилар зиммасига катта вазифаларни юклаш билан бирга, шахсий масъулиятини оширишга, мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизлик даражасини камайтиришга, тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилади. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида аҳоли фаровонлиги янада ошиб, турмуш даражаси кўтарилишига эришилди.

Тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, ёшлар ва хотин-қизларга микрокредитлар ажратиш, тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, шу жумладан, ёшлар ва хотин-қизлар, шунингдек, микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахслар (қарз олувчилар) кредит олиш учун “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки ёки акциядорлик-тижорат Халқ банкига электрон ариза билан мурожаат қилиш имконияти берилди.

Микрокредитлар 3 йил муддатгача 6 ойгача имтиёзли давр билан, ёшларнинг бизнес лойиҳаларига эса 7 йилгача муддатга, 3 йилгача имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида ажратилиши белгиланди.

Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш, меҳнат фаолиятини рағбатлантириш ва одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида:

- аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақиқлар бекор қилинди;

- тавсиявий характердаги аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхати тасдиқланди;

- бола парваришлаш таътилининг камида уч ойи ота томонидан фойдаланилган тақдирда, ота ёки онадан бирига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 234-моддаси тартибида қўшимча бир ой нафақа тўланадиган бола парваришлаш таътилини бериш белгиланди;

- икки ёшга тўлмаган фарзандини тарбияловчи ота-оналарнинг бирига уларнинг иш пайтидаги дам олиш ва овқатланиш, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар ҳисобидан иш берувчи

билан келишган ҳолда кун давомида фойдаланиладиган танаффус вақтини белгилаш ҳуқуқи берилди;

- аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланди;

- эркак ва аёллар ҳуқуқлари тенглигининг бузилиши билан боғлиқ ишларнинг судларда кўриб чиқилишида аёлларга адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизмат учун ҳақ уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланди.

Жумладан, Юнусобод туманида ҳам, Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ва Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби томонидан маъқулланган дастурлар ва белгиланган талаблар асосида ташкил этилган ўқув курсларини тамомлаган ҳар бир битирувчи (ёшлар, хотин-қизлар) учун касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотларига сарфланган харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига 1 миллион

Истиқболда маҳаллада аёллар муаммоларини ўрганиш ва уни ҳал этиш қуйидаги босқичларини таклиф этамиз:



1-Расм. Истиқболда маҳаллада аёллар муаммоларини ўрганиш ва уни ҳал этиш қуйидаги босқичлари[13]

Тадбиркорлар муаммоларига асосан:ер олиш, кредит олиш, дебиторлик қарзлар, маҳсулот ёки хизматларини сотиш, кредитни қайтариш, бино ва керакли мутахассислар масалалари киради.

[13] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Ижтимоий муҳтожлар муаммосига: кам таъминланганларни моддий қўллаб-қувватлаш, аҳолини уй жой таъминлаш, ногиронлар масалалари кабилар киради.

Ишсизлик масаласига:иш билан таъминлаш, тегишли кўникма ва билимга эга эмаслик масалаларини ўзи ичига олади;

Хулоса

Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш режалаштирилмоқда (ҳозир тахминан 15 фоиз). Бу 5 йилга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида қайд этилган.

Ҳудудларда, жумладан Юнусобод туманида аёллар бандлигини таъминлаш мақсадида 2026 йилгача аёллар орасидаги ишсизлик даражасини 2 марта камайтириш, 2 мингга яқин ишсиз хотин-қизларни давлат ҳисобидан касб-ҳунарга ўқитиш кўзда тутилган.

Иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

Жумладан лойиҳада, 2022 йилда аёллар орасидаги ишсизлик даражасини 2 баробар камайтириш учун 1000 мингдан зиёд ишсиз хотин-қизларни давлат ҳисобидан касб-ҳунарга ўқитиш белгиланмоқда.

Хотин-қизларни касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш дастурида қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

-ҳар йили тасдиқланадиган касб-ҳунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакани оширишга оид давлат буюртмасида касб-ҳунарга ўқитиладиган хотин-қизлар улушини йилдан-йилга ошириб бориш;

-хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун кўмаклашиш мақсадларида субсидиялар ажратиш;

-ўзини ўзи банд қилиш истагида бўлган хотин-қизларга меҳнат қуроллари билан таъминлаш учун субсидиялар ажратиш;

-ишсиз хотин-қизларни бўш ҳамда янги яратилаётган иш ўринларида бандлигини таъминлашга кўмаклашилади. Бунда, 2022 йилда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш орқали уларнинг бандлигига кўмаклашиш лойиҳалар кўлами кенгайтирилади.

Юнусобод маҳаллаларида қуйидагиларни назарда тутувчи аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишни тавсия қиламиз:

-ҳар бир маҳаллада «Хотин-қизлар ҳунармандчилик марказлари» ва кластерларни ташкил қилиш;

-хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари фаолиятини такомиллаштириш, маҳаллаларда марказлар очиш чораларини кўриш;

-тадбиркор хотин-қизлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни реализация қилишга кўмаклашиш;

-хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш ва бизнесга жалб қилиш.

Натижада ушбу дастур доирасида аёлларни махаллабай тизими орқали бандлигини ташкил этишни такомиллаштиришни йўлга қўйиш ва уларни бандлигини таъминилаш, ишсизликни камайтириш, камбағалликни қисқартириш каби муаммоларга ечим топилади

Фойдаланилган адабиётлар

1. “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги Ўзбекистон Республикаси президентининг ПФ-60 сонли фармони. 69-мақсад.lex.uz

2. Абдураҳмонов. Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт / Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «FAN» нашриёт давлат корхонаси, Т.: 2019. – 257

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 12 февралдаги селектр йиғилишидаги маърузаси

4. ПФ–5938-сон Фармонига мувофиқ 2020 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаи Президентининг Қарори

5. Экономика труда: учебник /А.И.Рофе.-2-е.-М.: КНОРУС, 2011. с. 159

6.Экономика труда: учебник /И.М.Алиев,Н.А.Горелов, Л.О.Ильина-М.:Издательство Юрайт, 2012. с. 123

7. Экономика и социология труда: учебное пособие /Н.В.Лясников, М.Н.Дудин, Ю.В.Лясников. - М.: КНОРУС, 2012. с.

8. Экономика труда: учебник /И.М.Алиев,Н.А.Горелов, Л.О.Ильина-М.:Издательство Юрайт, 2012. с. 123

9.2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича Давлат дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 апрель ПҚ-5094-сон қарори. www.lex.uz